1965 ЙИЛ ВАХТАСИДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИҚИШИ

20 (2992).

30 январь

ШАНБА

1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЮКСАК НОМ УЧУН

Цехимиз ишчилари яқинда ўзаро йиғилишиб бу йилги вазифалар ҳақида гаплашиб олишди. Хўжалигимиз катта, кўрса кўргудек. Ўнта коммунистик меҳнат бригадасига юзлаб ишчи аъзо. Зарбдорлар ҳам оз эмас. Меҳнатда донг таратган кишилар энди ҳар қадамда учрайди. Ҳаммаси оддий одамлар. Улар билан фахрланамиз. Кучимизга ишониб бу йил зиммага юксак мажбуриятлар олдик.

Етти йилликнинг сўнгги йили планини муддатидан ярим ой илгари бажаришни кўзлаяпмиз. Шу давр ичида маҳсулот таннархи бир ярим процент арзонлашади. Босиладиган китоблар сифати яна ҳам яхшиланади. Ўқув дарсликлари босиш процессини тезлатиш масаласи устида узоқ ўйландик. Ички резервларни қидириб топдик. Вақтида чиқариш учун имкониятлар бор экан. Бу йил фарзандларимиз дарслик ва қўлланмаларини июль ойининг ўрталаридан бошлабоқ сотиб ола бошлайдилар.

Цехимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари бир ёқадан бош чиқариб коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашга отландилар. Курашишга ҳаққимиз бор. Ишда ва турмушда эришган муваффақиятларимиз чакки эмас энди. Ойма-ой планларни бажариб келяпмиз. Кишилар бир-бирига меҳрибон. Ҳамма дўст, ўртоқ, биродар.

Шу кунларда цехимизда олинган юксак мажбуриятларга яраша иш бўлаяпти. Коллективимиз ҳарф териш ва брошюра цехларини социалистик мусобақага чақирган. Мусобақа ҳамма учун муваффақият келтиради. А. Юнусов, А. Полтаев, С. Мўминов ўртоқлар каби коммунистик меҳнат зарбдорлари барчани олға томон бошламоқдалар. Бундай илғорлар билан кўзланган маррага етамиз, албатта.

Н. ТОЖИБОЕВ.
Тошкентдаги 1-босмахона ишчиси.

ҲАР БИР БУЮМ РЕНТАБЕЛЛИ БЎЛСИН

Социалистик саноат халқ хўжалигининг энг асосий тармоғидир. Экономикамизнинг тез суръатлар билан юксалиши, мамлакатимиз куч-қудратининг ортиши, совет халқи фаровонлиғининг, маданий-маиший турмуш шароитининг яхшиланиши, коммунистик мўл-кўлчиликнинг таъминланиши, халқимизнинг турли маҳсулотларга нисбатан тинмай ўсиб бораётган эҳтиёжларининг тўла қондирилиши кўп жиҳатдан саноатимизнинг ишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам саноатимиз олаётган фойдани тобора кўпайтириб бориши, ҳар бир саноат корхонаси, транспорт ташкилоти рентабель ишлаши, ҳар бир саноат маҳсулоти рентабелли бўлиши лозим.

Саноат олаётган фойда халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш учун маблағ ажратишнинг энг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Бу маблағлар эса янги-янги саноат, транспорт корхоналари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, турар-жой бинолари қуриш, совет р[illegible]ларининг реал даромадларини [illegible]ортириш, истеъмолнинг ижтимоий фондларини кўпайтириш имконини беради.

Шуни зўр миннатдорлик билан қайд қилиш керакки, бутун мамлакатимиздаги каби областимиз саноати олаётган даромад ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг бу муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичи бўйича етти йиллиннинг олтинчи йили учун белгиланган топшириқ анча ортиги билан бажарилди. Барча шаҳар саноатчилари ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун белгиланганига қараганда анча кам маблағ сарфладилар. Шунинг эвазига улар давлатнинг миллионларча сўмлик маблағини тежаб қолдилар. Юзлаб завод ва фабрикалар, конлар ва электростанциялар коллективлари кўплаб қўшимча даромад олдилар. Айниқса, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари саноатчиларининг бу соҳадаги ютуқлари қувонарлидир. Чирчиқликлар пландагидан ташқари 1 миллион 600 минг сўмдан кўпроқ, олмалиқликлар бир миллион 200 минг сўмга яқин фойда олдилар. Республикамиз пойтахти саноат ходимлари келтирган фойда янада салмоқлидир.

Утган хўжалик йилида рентабель ишлаётган корхоналар сафи янада кенгайди. Шу вақтгача давлатга зарар келтираётган қатор корхоналар фойда берадиган бўлиб қолишди. Москвадаги 15 саноат корхонаси коллективларининг ҳар бир маҳсулотнинг рентабелли бўлишини таъминлаш юзасидан бошлаган умумхалқ мусобақасига антив қўшилган Оҳангарондаги 9-шахта, Олтинтопган кўргошин-рух комбинати ва бошқа ўнлаб корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўтган йилдан бошлаб рентабель ишлай бошладилар, давлатдан дотация олишга хотима бердилар, халқ хўжалигига зарар эмас, фойда келтираётган бўлиб қолдилар. Ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технология, илғор иш методлари, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш, меҳнатни пухта ташкил этиш, ички резервлардан унумли фойдаланиш туфайли шундай ютуққа эришдилар.

Бу корхоналар маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари коллектив куч-ғайрати, ижодий фикрини ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф этишга сафарбар қилдилар, уларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишдан моддий манфаатдорликларини оширдилар, социалистик мусобақа ва унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат учун курашни авж олдирдилар. Коллектив ўртасида туғилган ҳар бир янгилик, ҳар бир ижобий ташаббусни қўллаб-қувватладилар, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини ҳар томонлама авж олдирдилар. Кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилди. Натижада 9-шахта ўтган йили давлатга 120 минг сўм, Олтинтопган кўргошин-рух комбинати 3 миллион сўмга яқин фойда берди.

Ҳали областимизда шундай корхоналар ҳам борки, улар фойда ўрнига давлатга зарар келтирмоқда, рентабелли ишламаяпти. Фақатгина республикамиз пойтахтидаги завод-фабрикаларнинг 50 дан ортиғи ўтган хўжалик йилида рентабелсиз ишлади, улар давлатдан ҳамон дотация олмоқда. Тошкент саноат корхоналарида тайёрланаётган 250 га яқин маҳсулот турларининг таннархи сотилиш нархларидан ошиқ бўлди. Бунинг оқибатида ўтган йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигига уч миллион сўмликка яқин зарар келтирилди.

Бу соҳада Тошкент асбобсозлик заводи, пайпоқ-трикотаж фабрикаси ва бошқа корхоналар айниқса, оқсамоқда. Асбобсозлик заводи ишлаб чиқараётган буюмларнинг 20 дан ортиқ хили рентабелсиздир. Пайпоқ-трикотаж фабрикасида бундай маҳсулот турлари бундан ҳам кўп. Бу ерда тайёрланаётган 50 хил буюм зарар келтирмоқда. Рентабелсиз маҳсулотлар «Ташкенткабель», «Таштекстильмаш», «Ташавтомаш», «Подъёмник» заводлари, абразив буюмлари комбинати ва бошқа қатор корхоналарда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ана шу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот турларини рентабелли бўлиши, жуда бўлмаганда уларнинг сонини камайтириш учун етарли кураш олиб борилмаётганлигини, Москвадаги 15 саноат корхонаси коллективларининг ташаббуси кенг ёйилмаётганлигини кўрсатади. Эндиликда бундай хотиржамликка қатъий чек қўйиш керак. Давлат ва халқ манфаатлари шўни талаб қилмоқда.

Барча турдаги саноат маҳсулотларининг рентабелли бўлишини таъминлаш ҳар бир завод, фабрика, транспорт ташкилоти коллективининг, бунга ўзининг муносиб улушини қўшиш ҳар бир ишчи, транспортчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг муқаддас ҳамда шарафли бурчидир. Барча корхоналарда у ёки бу маҳсулот турини ишлаб чиқаришдан олинаётган фойда миқдорини тинмай кўпайтириб бориш лозим. Бунинг учун ҳамма жойда мавжуд ички резервларни қидириб топиш ва уларни жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишнинг унумдорлигини тинмай оширишга эришиш зарур. Ишлаб турган агрегат, станок, машиналар қувватидан тўла фойдаланиш, ҳар бир ишчининг баракали ва сифатли ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш, новаторлик ҳаракатини авж олдириш даркор.

Маҳсулотларнинг рентабелли бўлишини таъминлаш юзасидан белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ишчилар ўртасида буюмлар таннархини камайтириш учун курашни қизитиш, бундан ҳар бир ишчининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш лозим. Уз корхоналари, тайёрлаётган маҳсулотларининг рентабелли бўлиши халқ хўжалигига катта фойда келтиришини, мамлакатимиз меҳнаткашлари турмушининг фаровонлигини янада оширишини барча ишчилар онгига чуқур сингдириш зарур. Жойлардаги партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари ўз фаолиятларида шу масалаларга ҳамиша катта эътибор беришлари керак.

Шунга эришайликки, яқин йиллар ичида рентабелли бўлмаган бирор корхона ёки буюм қолмасин!

ПАРНИКДА БАҲОР

Далаларни қор қоплаган. Изғирин шабада эсиб турибди. Ҳаво совуқ. Аммо Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг парникларида эртаги помидор ва карам кўчатлари барқ уриб ўсяпти.

Сабзавоткорлар бу йил 150 гектар ерда помидор, 69 гектар майдонда карамдан юқори ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда ўтган йили кузгаги 70 га яқин парникка помидор ва карам уруғи сепилган эди. Ҳозир ер бетини кўмкўк майсалар қоплаб қолди.

— Қиш ҳавоси ёш ўсимликка таъсир қилмайдими?— сўрадик парник хўжалигининг бригадири Исҳоқ ака Каримовдан.

— Парникларимиз жуда яхши жиҳозланган,— деди у,— унчамунча совуқ зарар етказа олмайди. Ундан ташқари парникка чиритилиб, элакдан ўтказилган маҳаллий ўғит сепилган. Бу ўсимликка озуқа бўлади ва уни совуқдан ҳимоя қилади. Биз помидорнинг тезпишар ва серҳосил «Талалихин», «Волгоград», «Совга» навларини ўстирялмиз. Бу навлар айниқса совуққа чидамлидир. Парникларда карам кўчати ўстиришда ҳам ана шундай тартиблари риоя қилинмоқда.

Исҳоқ ака янги йилдаги режалар ҳақида гапириб бундай деди:

— Май ойининг ўрталаридан, яъни ўтган йилдагидан 20-25 кун олдин шаҳар меҳнаткашларига янги карам етказиб берамиз. 10 июнга бориб эса ҳозирги кўчатлардан олинган помидор совга қилинади. Ўтган йили эртаги карам ва помидорнинг ҳар гектаридан 30-35 тонна ҳосил олинган эди. Бунга сабаб, ўша экиларнинг кўчати парникларда барвақт етиштирилган бўлиб, об-ҳаво ва иқлим шароитига яхши кўникди. Биз буни ҳисобга олиб, бу йил парникларда турли кўчатлар тайёрлашни икки баравар кўпайтирамиз. Қўшни колхозлар ва шаҳар меҳнаткашларига кўп миқдорда помидор, карам кўчатлари сотамиз.

М. НАЗАРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 28- ва 44-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Тошкент область ва шаҳар сайлов комиссияларининг қуйидаги состави тасдиқлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Область сайлов комиссиясининг раиси **Мусаев** Содиқ Мусаевич — касаба союзлари область Советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Мирзаев** Маҳмуд Мирзаевич —Р. Р. Шрейдер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ишчилари, илмий ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **Козлов** Владимир Иванович — область коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Умарова Ҳабиба — Юқори Чирчиқ районидаги 57-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Воспитанникова Надежда Ефремовна — Олтинтопган кўргошин-рух комбинати саралаш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Романцов Василий Сергеевич — Чирчиқ электр химия комбинати 20-цехининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ҳусанова Минихазар — Калинин районидаги Қўйлиқ йўл эксплуатация участкасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Дадажонов Турсунали—Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзолари номидан.

Ҳасанова Умри — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзолари номидан.

Хвань Вера Николаевна — Янгийўл районидаги Олмазор касалхонасининг ходимлари коллективидан.

Лаврина Любовь Васильевна — Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг область ташкилотидан.

Алиқулов Хўжа — Оҳангарон кўмир разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Нуриддинов Саид — Бекобод шаҳридаги Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси **Ғуломова** Баҳри — маданият ходимлари касаба союзининг республика комитетидан.

Шаҳар сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Скребнев** Василий Степанович—шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Шаҳар сайлов комиссиясининг секретари **Кургузов** Иван Петрович — Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссариатининг ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Алиева София Ҳанафевна — 6-шаҳар касалхонаси ходимларининг коллективидан.

Орипов Туйғун Аҳмедович—Ўзбекистон ленинчи ёшлар союзи шаҳар ташкилотидан.

Громов Виталий Иванович—«Ташкентқабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Аҳманова Антонина Васильевна — «Қизил тонг» тиқувчилик фирмасининг коммунистик ташкилотидан.

Нормуҳамедов Тўра Жўраевич — «Ўзбексельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Пелепец Иван Петрович — «Главташкентстрой» 153-қурилиш трестининг касаба союз ташкилотидан.

Жўраева Хатира — бадиий каштачилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Мавлонова Нуринисо Тўхтахўжаевна — Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САҲИБОЕВ.

1965 йил, 29 январь.
Тошкент шаҳри.

ТИНИБ-ТИНЧИМАСЛАР

...Черешневая кўчаси, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ётоқхонаси. Бу ётоқхона тўрт юз қиз учун жонажон уй бўлиб қолди. Ётоқхона кенгаши ёш тўқувчилар ва йигирувчилар катта оиласининг юрагидир.

Ёш коллектив аъзоларининг тақдири турлича бўлади. Масалан, Валентина Пешкова дастлабки пайтларда ётоқхонада ўзини бегонадек ҳис этди. Дугоналарининг ташвишлари ва ишлари уни кўп қизиқтирмас эди, у ўз иш ҳақини қандай сарфлашни ҳам билмас эди. Комсомол аъзоси Аня Галеева бошчилик қилаётган ётоқхона кенгаши Валянинг ички дунёсига қизиқиб қолди. Кенгаш аъзолари тарбиячи Валентина Михайловна Архипова билан биргаликда бу қиз билан бир неча марта суҳбат қилдилар, пулни тежаб-тергаб сарфлашни ўргатдилар, унда китобга муҳаббат уйғотдилар. Ҳозир Валя ана шу аҳил оилада ўз ўрнини топиб олди. У, ишлаб чиқаришда яхши меҳнат қилибгина қолмай, балки жамоат ишида ҳам актив қатнашадиган бўлди.

Ётоқхона кенгаши коммунистик турмуш ҳаракатига қўшилиб, ҳар бир қизнинг гоявий ва маданий ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Кунлардан бирида Оля Дмитриева ва Вера Горобецлар тўқимачилик техникумидаги машғулотларга қатнамай қўйганликлари тўғрисида сигнал тушди. Бу қизларни кенгаш мажлисига чақириб, ўқишга бундай енгилтаклик билан қараганликлари учун уларнинг «таъзири» берилди. Энди бу қизлар яхши баҳолари билан ўз дугоналарини қувонтирмоқдалар.

Ётоқхона кенгаши составида кўпгина комсомоллар бор. Кенгаш қанчадан-қанча яхши ишларнинг ташаббускори бўлди. Тўқувчи қизлар театрларга, кинога, музейларга тез-тез борадиган бўлиб қолдилар. Улар ҳаммаси биргаликда «Медея» спектаклида, Гуцул халқ ашула ва рақси ансамблининг концертида бўлишди. Кечқурунлари қизил бурчак ҳамиша гавжум. Бу ерда халқаро аҳвол тўғрисида, коммунистик ахлоқ ҳақида ўтказиладиган лекциялар, турмуш ҳақидаги суҳбатлар, муҳаббат ва дўстлик тўғрисидаги мунозаралар ҳар сафар қизларнинг ҳозирги ҳаёти ва истиқболи тўғрисидаги коммунистик жамият кишисининг хусусиятлари ҳақида жиддий гаплашувга айланиб кетади. Шу кунларда ёшлар қизил бурчакда маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловлар тўғрисида, совет сайлов системаси ҳақида мароқли суҳбатларни тингламоқдалар.

Дам олиш кечалари ҳам қизларга мақбул бўлиб қолди. Ҳаваскор эстрада оркестри ана шу дам олиш кечаларининг ташаббускоридир. Бу оркестрга Владимир Тронин бошчилик қилади. Ётоқхонада бичиш ва тикиш курслари ишлаб турибди. Бу ерда қизлар кийимларни бичиш ва тикиш маҳоратини ўрганадилар.

...Смена иши тугади. Ёш тўқимачилар ўз ётоқхоналарига қайтиб келадилар. Улардан баъзилари синовларга тайёргарлик кўрадилар, бошқалари китоб мутолаа қиладилар, телевизор кўрадилар. Эртага эса, янги иш куни. Бу куннинг ҳам самарали ва қизиқарли бўлишини қизларнинг ҳаммаси билади.

М. ПРОКОПЕНКО.
ЎзТАГ мухбири.

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози аъзолари кунламга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Хўжалиқда қишлоқ хўжалиги машиналари жадал ремонт қилиниб келгуси дала ишларига тўла тахт қилиб қўйилмоқда. Суратда: механизатор Мурод Мусаев ўз тракторини ремонт қилмоқда.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКАНИ ҚАДРЛАНГ

Қудратли техника эндиликда қишлоқ хўжалигимизда ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. Давлатимиз қишлоқ меҳнаткашларини жуда кўп ва турли-туман техника воситалари билан таъминлаган. Улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ҳамма жараёнларда кўл меҳнатини жуда қисқартириб юбориш мумкин.

Областимиздаги колхоз ва совхозларда минглаб ҳайдов ва чопиқ тракторлари, пахта териш машиналари, сеялкалар, плуглар бор. Ҳозирги энг муҳим вазифалардан бири ана шу техникани жанговар ҳолатга келтиришдан иборат. Техника воситаларини ўз вақтида сифатли ремонт қилиш, уларни кўз қорачўғидай асраш — кўкламги ишларимизнинг муваффақиятини ҳал қилувчи муҳим гаровдир.

Ҳозир кўпчилик илғор хўжаликларда техниканинг асосий қисми тўла шайлаб қўйилди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги Ниёзов номли, Бўка районидаги «Гулистон» колхозлари ва бошқа бир қанча хўжаликлар ана шулар жумласидандир.

Техникани шайлашда қишлоқ меҳнаткашларига «Узсельхозтехника» ходимлари яқиндан ёрдамлашишлари зарур. «Узсельхозтехника»нинг Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе район бирлашмаларида ремонт ишлари намунали ташкил этилган. Яқин кунлар ичида ҳамма тракторлар, плуглар, тишли бороналар ва техниканинг бошқа воситаларини тўла ремонтдан чиқариб бўлинади.

Лекин афсуски, ҳамма ерда ҳам аҳвол шундай қувонарли эмас. Кўпгина колхозларда, совхозларда, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида машиналар ва асбоб-ускуналарни ремонт қилиш ишлари жуда суст бораяпти, қимматли вақт зое кетказилаяпти. Ҳозиргача областда ҳайдов тракторларининг 10 процанти, чопиқ тракторларининг қарийб ярми, трактор плугларининг 15 процанти, тишли бороналарнинг деярли учдан бир қисми чизель ва планировщикларнинг ярми ремонтдан чиқарилганича йўқ. Чигит экадиган сеялкалар, культиваторлар, дискали бороналарни ремонт қилишга кўпчилик хўжаликлар эндигина киришдилар. Бўка ва Янгийўл районларида ҳам техника ремонти суст ва сифатсиз бораяпти. Оққўрғон районида ҳам тракторлар ва сеялкалар ремонти соҳасида оқсаб қолмоқда. «Узсельхозтехника»нинг бу районлардаги бирлашмалари устахоналаридан тайёр қилиб чиқарилаётган кўпгина машиналарнинг анча-мунча камчиликлари бор.

Ҳозирги муҳим вазифа шундан иборатки, ҳамма ерда ҳайдов тракторлари, плуглар ва тишли бороналар ремонтини февраль ойининг биринчи ўн кунлигида, чопиқ тракторлари, сеялкалар, СУЗлар, культиваторлар, планировщиклар, осма бороналар, чизеллар, культиваторлар ремонтини эса февралнинг охиригача тугаллаш зарур. Февраль ойида пахта териш машиналари ремонтини ҳам бошлаб юбориш лозим.

Қишлоқ хўжалик техникасига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлинаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Ишлаб чиқариш бошқармалари ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг бўшашувчилиги, назоратсизлиги оқибатида техниканинг каттагина қисми жуда ёмон аҳволда қолиб кетган. Кўпгина тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бултур қайси пайкалда ишлатилган бўлса, ўша ерда қаровсиз ҳолда ётибди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида 23 та пахта териш машинаси, 9 та галла комбайни ва бошқа машиналар очиқ ҳавода қор-ёмғир остида ётибди. Колхоз тракторчиси А. Мирзабоев тракторни ўз ҳовлисида тўрт ой сақлаб, ундан ўзининг шахсий транспорти сифатида фойдаланган. Кунларнинг бирида у тўйга ҳам ўша трактор билан бориб, йўлда авария қилган.

1-«Пискент» совхозида кўпгина пахта териш машиналарининг аккумуляторлари, генераторлари ва бошқа қисмлари олиб кетиб қолинган. Айниқса, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда (раиси Исҳоқжонов, механизация бўйича раис ўринбосари Хван ўртоқлар) аҳвол жуда чатоқ. Бу хўжаликда ҳам кўплаб машиналарнинг қисмлари тарқатиб юборилган. Машиналар лойга ботиб ётибди. Колхознинг хўжалик ҳовлиси ниҳоятда тартибсиз.

Бўка районидаги «Партия XX съезди», Ильич номли, Янгийўл районидаги Калинин номли, «Ленинград» колхозларида, «Халқобод» комбинатида, «Бўка» совхозида ва бошқа бирқанча хўжаликларда ҳам техникага нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлинаётир.

«Узсельхозтехника» ходимлари колхоз-совхозларда техникадан тўғри фойдаланиш ва уни яхши сақлаш устидан доимо назорат қилиб туришлари керак. Лекин улар бундай қилишмаётир. «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг ўзида техника қарови қониқарсиз аҳволда. Айниқса, Янгийўл район бирлашмасида тартибсизлик катта. Бу ерга ремонт қилиш учун колхозлардан келтирилган 10 та пахта териш машинаси қор-ёмғир остида занг босиб ётипти. Кўпчилигининг электр асбоблари олиб қўйилмаган, шпинделлари мойланмаган. Хуллас, машиналар турган жойида ишдан чиқаяпти. Янгигина келтирилган механик «болга», гидравлик пресс ва бошқа асбоб-ускуналар ҳам очиқ ҳавода—қаровсиз ташлаб қўйилган.

Партия ташкилотларининг, колхоз-совхозларнинг, «Узсельхозтехника» маҳаллий органларининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш, ремонтдан чиқаришда йўл қўйилаётган бундай жиддий камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч тадбирий-чоралар кўрмоқлари зарур. Ҳозирги кунларда шундай ишлаш керакки, баҳор пухта тайёргарлик билан кутиб олинсин!

14 МАРТ—МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОН ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ РАЙОН ВА ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР, область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ (қишлоқ ва овул) Советларига сайловлар тўғрисида»ги Низомнинг 35, 36, 43, 44-моддаларига мувофиқ Тошкент область ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи район ва шаҳар сайлов комиссиялари ташкилотлар ва меҳнаткашлар жамоатчилигининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Қозоқов Довлат Исматуллаевич — шаҳар сайлов комиссиясининг раиси — шаҳар ҳарбий Комиссариат ходимлари коллективидан.

Юнусов Халил—сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — пластмасса буюмлари заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Хен Анна Васильевна — комиссия секретари — Олтинтопган кўрғошин-рух комбинати бошқармаси ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Базаркин Семён Дмитриевич — Олтинтопган кўрғошин-рух комбинати ва Қалмоққир кони ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Васильева Зинаида Михайловна — 5-темир-бетон буюмлари заводи ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Ғозиқулов Низом — «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Дуднна Лидия Гавриловна — «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Потатуев Геннадий Иванович — Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитети коммунистик ташкилотидан.

Хўжаева Елена — Олтинтопган кўрғошин-рух комбинати мис саралаш фабрикаси бош корпусининг касаба союз ташкилотидан.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ БЎЙИЧА

Калонов Садриддин Зокирович—шаҳар сайлов комиссиясининг раиси — Оҳангарон ГРЭСи коммунистик ташкилотидан.

Сидорова Лариса Николаевна — раис ўринбосари — Ўзбекистон КП шаҳар партия комитети коммунистик ташкилотидан.

Иванченко Лариса Тимофеевна — комиссия секретари — Оҳангарон керамика комбинати ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Заляева Назия Шигаповна — Оҳангарон кўмир разрези ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Идиатуллина Мунира Аднатовна — «Ўзбекуголь» комбинати 9-шахтасининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Қодиров Бекжон — «Средазуголь комбинати юк ортиш-транспорт бошқармаси ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Колосов Сергей Семенович — Оҳангарон ГРЭСи қурилиши ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Трошина Софья Иосифовна — 29-автобаза ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Юнусов Исмоил —«Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармаси ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

БЕКОБОД ШАҲРИ БЎЙИЧА

Нургалиев Фозилбек Нугмонович — шаҳар сайлов комиссиясининг раиси — Ленин номидаги металлургия заводи ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Дигай Владимир Иванович — раис ўринбосари — молия-кредит муассасалари касаба союз ташкилотидан.

Гуничева Зинаида Иосифовна — комиссия секретари—Дзержинский номли цемент комбинати коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Отажонов Очил — 16-автоколонна ходимлари коллективидан.

Ермичев Иван Дмитриевич — Темир-бетон буюмлари заводи коммунистик ташкилотидан.

Қаюмов Ориф—6-қурилиш трести, 704-ҲНР касаба союз ташкилотидан.

Киколенка Надежда Васильевна — гишт заводи комсомол ташкилотидан.

Крилова Мария Ивановна — Дзержинский номли цемент комбинати ишчи ва хизматчилари ҳамда инженер-техник ходимлари коллективидан.

Содиқова Қувончхон — шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими касаба союз ташкилотидан.

Туктаров Мутигулла Галлямович — Фарҳод ГЭСи ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Холина Антонина Михайловна — мактабгача муассасалар ва мактаб ходимлари коллективидан.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Мусин Ирик Харасович—шаҳар сайлов комиссиясининг раиси — Чирчиқ шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Литвинова Иранда Ивановна — раис ўринбосари—қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчи ва хизматчилари ҳамда инженер-техник ходимлари коллективидан.

Кабаладзе Тамара Варламовна —комиссия секретари—шаҳар ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Вефаева Рефизе — тикувчилик фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Корсуқова Мария Васильевна — Чирчиқ шаҳар савдо бўлими коммунистик ташкилотидан.

Нурков Василий Григорьевич — «Ўзбекхиммаш» заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Нурматов Наби — «Чирчиксельмаш» заводи 5-цехининг касаба союз ташкилотидан.

Одинница Зоя Михайловна — пойафзал фабрикаси комсомол ташкилотидан.

Уразаева Розина Галяутдиновна — 225-ҲНР ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Харлов Дмитрий Семенович — Рибалко номли танк билим юрти ҳарбий хизматчилари коллективидан.

Шарипова Латофат — электрохимия комбинати коммунистик ташкилотидан.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Миразимов Мириш Айдарович—шаҳар сайлов комиссиясининг раиси — давлат банкаси коммунистик ташкилотидан.

Зокиров Обид Исаевич — раис ўринбосари — Шаҳар партия комитети коммунистик ташкилотидан.

Шлеенков Иван Прохорович — комиссия секретари — Шаҳар ижроия комитети коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдурахмонов Кандрат — «Нормал» заводи коммунистик ташкилотидан.

Азимова Саломат — пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Доронина Валентина Васильевна — консерва заводи касаба союз ташкилотидан.

Каплан Мария Григорьевна — шаҳар бирлашган касалхонаси касаба союз ташкилотидан.

Кожохина Наталья Григорьевна — Янгийўл шаҳар комсомол комитети комсомол ташкилотидан.

Қуртаметов Энвер — 6-қурилиш трести қурилиш-монтаж бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Нурматова Нафиса — ёғ-мой комбинати комсомол ташкилотидан.

Разборов Владимир Александрович — 8-гишт заводи бошқармаси ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Сафаров Мусабек Раҳмонович — район сайлов комиссиясининг раиси — район партия комитети касаба союз ташкилотидан.

Олимбаев Аҳмаджон — раис ўринбосари — Ленин қишлоқ матлубот жамияти коллективининг умумий йиғилишидан.

Ли Людмила Сергеевна—комиссия секретари — район ижроия комитети ходимлари коллективидан,

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Оқжигитова Каромат — Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзоларинномидан.

Самодурихин Юрий Николаевич — «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Безгенов Юсуф—«Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзолари номидан.

Ким Моисей — Ленин номли колхоз аъзолари номидан.

Данаева Куйди — «Партия XXII съезди» колхози аъзолари номидан.

Роянов Мирсариф Мигранович — 40-ремонт-қурилиш участкаси касаба союз ташкилотидан.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

Абдувоҳидов Қочқин Насриддинович — район сайлов комиссиясининг раиси — район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Мирсоатов Миртожи — раис ўринбосари — Ўзбекистон КП район комитети ходимлари коллективидан.

Балашова Вера Ивановна — комиссия секретари —«Узсельхозтехника» район бўлими коллективининг умумий йиғилишидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Қосимова Ҳидоят — «Коммунизм» колхози аъзолари номидан.

Кияков Леонид Ильич — Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси 7-участкаси ходимлари коллективидан.

Мустафоқулова Турғуной — Навоий номли колхоз аъзолари номидан.

Пешаков Александр Степанович—совхозлараро транспорт эксплуатация базаси касаба союз ташкилотидан.

Плетнева Пелагея Ивановна — 2-«Далварзин» совхози ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Фозилова Малика—3-«Далварзин» совхози ишчи ва хизматчилари коллективидан.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Абдуллаев Арслон Эшмухамедович—район сайлов комиссиясининг раиси — Ўзбекистон КП район комитети коммунистик ташкилотидан.

Теппер Юлис Леонович — раис ўринбосари — Пискент поселка Совети коммунистик ташкилотидан.

Солиев Аъзам — комиссия секретари —район халқ маорифи бўлими коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Отақулов Эгам — «Ленин йўли» колхози комсомол ташкилотидан.

Исломова Сония Исмаиловна—Бўка пахта тозалаш заводи касаба союз ташкилотидан.

Бабундина Екатерина Ивановна — «Бўка» совхози коммунистик ташкилотидан.

Мақсудова Хури — Ильич номли колхоз аъзолари номидан.

Назарова Ирина Ахатовна — алоқа ходимлари коллективидан.

Зоирова Малика — «Партия XX съезди» колхози аъзолари номидан.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Буков Павел Петрович — район сайлов комиссиясининг раиси — район молия бўлими коммунистик ташкилотидан.

Комилова Клара — раис ўринбосари — район матлубот жамияти коммунистик ташкилотидан.

Мухитдинова Мунира — комиссия секретари — район ижроия комитети касаба союзи ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Алимсентова Земфира —1-луб заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Олимбоев Содиқ—ишлаб чиқариш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Қамбаров Абеи — «Ўзбекистон» колхози аъзолари номидан.

Ли Ен Хва —«Политотдел» колхози аъзолари номидан.

Чеповецкая Светлана Михайловна — Ўзбекистон ленинчи ёшлар союзи район ташкилотидан.

Эшматова Замира —«Гулистон» колхози аъзолари номидан,

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ражабова Муаззам— район сайлов комиссиясининг раиси — район коммунистик ташкилотидан.

Қодиров Абдулла — раис ўринбосари — халқ маорифи ходимлари коллективидан.

Аҳмаджонова Ҳалима — комиссия секретари — район ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Жалилов Зоир — Охунбобоев номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Матмусаев Рихсибой — район алоқа бўлими касаба союз ташкилотидан.

Петрова Лидия Михайловна — «Назарбек» совхози касаба союзташкилотидан.

Раимов Рашид —«Москва» колхози аъзолари номидан.

Раҳимжонова Мамлакат — Ўзбекистон ленинчи ёшлар союзи район ташкилотидан,

Толипов Юсуф — «Ленинизм» колхози коммунистик ташкилотидан.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Аббосов Холис — район сайлов комиссиясининг раиси — молия бўлими ходимлари коллективидан.

Сандалиев Мухтор Шерметович — раис ўринбосари — район партия комитети коммунистик ташкилотидан.

Мусаева Меҳри Исаевна — комиссия секретари — район ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ибрагимова Улуғ—«Ленинград» колхози аъзолари номидан.

Муллабаева Башорат — мебель ва чолғу асбоблари фабрикаси ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари коллективидан.

Прибиткова Евгения Яковлевна — район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари коллективидан.

Турғунбоев Умар — «Ташавтомаш» заводи 15-цех коммунистик ташкилотидан.

Шилавалова Мая Ивановна — колхозлараро қурилиш ташкилоти ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Эргашев Узоқбой — «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари номидан.

ҲУРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Шермуҳамедов Хабибулла—район сайлов комиссиясининг раиси—Охунбобоев номли 4-ўрта мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Катаева Надежда Петровна — раис ўринбосари — давлат банкаси ходимлари коллективидан.

Турғунов Уктам—комиссия секретари—давлат статистика инспекцияси ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Портенко Борис Николаевич — металл-конструкция заводи ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективидан.

Умурзоқова Нурниса — район маиший хизмат кўрсатиш комбинати тикувчилик цехи ишчилари коллективидан.

Холтурсунова Баян — Ленин номли колхоз аъзолари номидан.

Ҳасаншин Вали — район давлат санитария бирлашмаси касаба союз ташкилотидан.

Эгамбердиев Ҳамиджон — Энгельс номли колхоз аъзолари номидан.

Яшченко Александр Петрович — 46-ремонт-қурилиш участкаси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Маҳмудхонов Акром — район сайлов комиссиясининг раиси — 18-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Исмоилов Серикбой—раис ўринбосари — район партия комитети коммунистик ташкилотидан.

Жалолов Абдувосиқ —комиссия секретари — Калинин номли колхоз аъзолари номидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Антонова Екатерина Дмитриевна — «Олмазор» боғдорчилик совхози касаба союз ташкилотидан.

Бойқўзиева Нишонбуви—район матлубот жамияти ходимлари коллективидан.

Сопова Мели — Ленин номли колхоз аъзолари номидан.

Ужегова Любовь Михайловна — «Ташкенткабель» заводининг Пахта филиали комсомол ташкилотидан.

Ҳамиджонов Сандаким—«Халқобод» комбинати 1-бўлими касаба союз ташкилотидан.

Йўлдошева Турсуной — «Москва» колхози аъзолари номидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
Э. ШАЙХОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
М. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил.
28 январь.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар район советларига сайлов ўтказувчи район сайлов комиссияси составини тасдиқлаш ҳақида

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 43- ва 44-моддаларига асосан Тошкент шаҳар Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар районларига сайлов ўтказувчи район сайлов комиссиялари жамоат ташкилотларининг ва меҳнаткашлар жамоатчилигининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Нигмонов Ҳабибулла Валихонович — район сайлов комиссиясининг раиси—Тошкент темир йўли узели касаба союз ташкилотидан.

Умаров Йўлдош — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Меньшикова Надежда Прокофьевна—комиссия секретари — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Абдуқаюмов Абдували — Тошкент пассажир станцияси 2-вагон депоси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Федотов Владимир Викторович — «Подъёмник» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Султонова Сайёра Умаровна — «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси касаба союз ташкилотидан.

Караблева Зинаида Алексеевна — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Доброскокина Таисия Павловна — канап фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Красношеков Александр Никонович — трамвай-троллейбус бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Неклюдов Михаил Фёдорович — Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Калинников Василий Иванович — Ленин номли радио-лампа заводи коммунистик партия ташкилотидан.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Отабекова Салтанат — район сайлов комиссиясининг раиси — давлат меҳнат-омонат кассаси республика бошқармаси коммунистик партия ташкилотидан.

Кротков Юрий Всеволодович — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Крутько Нина Павловна — комиссия секретари — Тошкент давлат медицина институти профессор ўқитувчилар состави коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Кравцова Надежда Фёдоровна — экскаватор заводи ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Хўжаев Аъло Мақсумович — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан,

Губкин Павел Александрович — «Ташсельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Богачев Андрей Филиппович — «Ташкенткабель» заводи касаба союз ташкилотидан.

Миррасулова Қутби — «Новинка» ателъеси ходимлари коллективидан.

Юдаев Владимир Михайлович — 3-ун заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Дуйко Александра Николаевна — 8-автобаза ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Белкин Дмитрий Данилович — «Узхлопкомаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Бойжонов Валерий Рауфович—район сайлов комиссиясининг раиси — асбобсозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Беккўлбекова Лидия Шохтахатовна — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Шимякина Маргарита Ивановна — комиссия секретари — область касаба союзлар совети коммунистик партия ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Аджикаева Ноила — «Юлдуз» тикувчилик фирмаси коммунистик партия ташкилотидан.

Докучаев Василий Трофимович — «Компрессор» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Камраков Юрий Иванович — ремонт-экскаватор заводи касаба союз ташкилотидан.

Эшонхонова Инобат — пайпоқ трикотаж фабрикаси ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Столяров Дмитрий Дмитриевич — ТошДУ профессор-ўқитувчилар состави коллективидан.

Меняева Зинаида Андреевна — «Узбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Тўлаганов Эркин Шукурович — пайпоқ-трикотаж фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Мирпўлатов Уткир — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Азизжонова Сабоҳат — район сайлов комиссиясининг раиси — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институти илмий ходимлари коллективидан.

Маришев Тимофей Фомич — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Шамсуддинов Умар Шодмонович — комиссия секретари — Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министрлиги касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Мўминова Маҳсума — 10-шаҳар касалхонаси ходимлари коллективидан.

Маҳмудхўжаева Машкура — Марказий телеграф касаба союз ташкилотидан.

Саблина Ольга Владимировна—13-қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Исҳоқов Омил Усмонович — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Ҳакимжонова Зарифа — бадиий буюмлари фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Тошкенбоев Зокир Хагурович—Ўзбекистон халқ хўжалик кенгаши касаба союз ташкилотидан,

Иванов Иван Алексеевич — Ўзбекистон халқ хўжалик кенгаши касаба союз ташкилотидан.

Кашапова Флора Алькаповна—трактор-йиғув заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ БЎЙИЧА

Назаров Султон Усмонович — район сайлов комиссиясининг раиси — гўшт комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Прокопов Борис Никитович — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Лайкова Валентина Александровна — комиссия секретари — савдо Маркази ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Малишева Людмила Григорьевна — 168-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Ахмедгалиева Зилкалида Аҳмедсултановна — пластмасса буюмлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Аҳмаджонова Шоҳра — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Ҳакимова Мамлакат Орипова — 3-нон заводи касаба союз ташкилотидан.

Мирзаахмедов Эргаш — тери-галантерея фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Ларин Степан Прохорович — 153-қурилиш трести касаба союз ташкилотидан.

Бланкова Людмила Николаевна — уй қурилиш комбинати пардозлаш ишлари бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Счеревская Евгения Григорьевна — СССР «Главгая»ига қарашли 12-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Эргашев Турғун — район сайлов комиссиясининг раиси — абразив буюмлари комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Акимова Тамара Ивановна — раис ўринбосари — район коммунистик партия ташкилотидан.

Наришкина Анна Васильевна—комиссия секретари — тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тошхўжаев Ҳожиакбар — район ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан

Дониёров Қолдиёр Хикматович — ёғочни ишлаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Видренкова Татьяна Никитична — металл-фурнитура заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Комилжонова Ўлмас — 2-тикувчилик фабрикаси касаба союз ташкилотидан

Болтабоев Султон Дўсаевич — тўқимачилик институти профессор-ўқитувчилар состави коллективидан.

Борисов Александр Федотович — эксперементаль-механика заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Сандмуҳамедова Муборак — Низомий номли педагогика институти ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкилотидан.

Киселева Мария Семёновна — 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
Х. АСОМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
А. МУҲАМЕТОВ.

Мирза Рихсиев «Ўзбекхиммаш» заводида ишлай бошлаганига ўн йилдан ошди. Илғор ишчи ойлик топ шириқларини муттасил 120—130 процентдан бажариб келади. Суратда: пешқадам ишчи М. Рихсиев.

О. Левак фотоси.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИ ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЁТОҚХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Москва, Ленинград, Воронеж, Норильск, Белоруссия, Озарбайжон, Олтой ўлкаси ва бошқа шаҳарлар ҳамда республикаларнинг касаба союз ва комсомол ташкилотлари умумий ётоқхоналарда ғоявий-тарбия ишларини ривожлантириш соҳасида яхши тажриба тўпладилар. Улар умумий ётоқхоналарни ёш ишчилар ва хизматчиларнинг жонажон уйига айлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Умумий ётоқхоналарда жамоат кенгашлари ишлаб турибди, адабиёт, музика ҳаваскорлари бирлашмалари вужудга келтирилди, ижтимоий касб мактаблари ташкил этилди.

ВЦСПС президиуми ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси «Ёш ишчилар ва хизматчиларнинг умумий ётоқхоналарида тарбия ишини ва маиший шароитни яхшилаш соҳасида касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» бирғаликда чиқарган қарорда шуни таъкидлаб ўтдилар.

Аммо, ёшларнинг кўпгина умумий ётоқхоналарида, дейилади қарорда, тарбиявий ва маданий-оммавий иш ҳали суст олиб борилмоқда. Бу ишнинг мазмуни саёз ва примитив бўлиб, кишининг фикр ва эътиқодларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатмаётир.

Баъзи корхона, қурилиш ва совхозларнинг раҳбарлари умумий ётоқхоналарда кам бўладилар, уларда яхши шароит бўлишини таъминлаш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёшлар истиқомат қиладиган биноларда тарбия ишни ва маданий-маиший шароитни яхшилаш масалаларини камдан-кам муҳокама қиладилар.

ВЦСПС президиуми ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси барча касаба союз ва комсомол ташкилотларига ёшлар истиқомат қиладиган ҳар бир умумий ётоқхонада тарбия ва маданий-оммавий ишларни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширди. Умумий ётоқхоналарни яхши жиҳозлашга ва турмуш ҳамда дам олиш учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини яратиб беришга эришмоқ керак. (ТАСС).

ФАН ЮТУҚЛАРИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЮКСАК БЎЛСИН

ҲОСИЛ КАЛИДИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК маданияти деган сўз, қайси ерга қандай агротехника тадбирини қўллаш керак ва турли хил тупроқ шароитига эга бўлган ерларни қанча нормада ўғитлаш, суғориш ва тупроқ карталарини планлаштириш, иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ерга муомала қилабилишлик демакдир.

Деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳосилдорликни оширишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Ҳар гектар суғориладиган ердан тўғри фойдаланиш, илғор фан ютуқларини қишлоқ хўжалигига жорий қилиш, химиялаштириш, механизациядан унумли фойдаланиш, алмашлаб экишга тўғри амал қилиш— булар ҳаммаси ҳосилдорликни оширишга олиб келади.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўпчилик республикаларида ҳадеб бир хил техника ўсимликлари экилаберибе, ерлар чарчатиб қўйилди. Аниқроғи, алмашлаб экиш агротехникаси кескин бузилди. Айниқса, пахтачиликда энг юқори ҳосил олишни таъминловчи факторлардан бири — беда, пахта (ғўза), йўнғичқа алмашлаб экишга эътибор берилмай қўйилди. Ҳозирда эса бу камчиликларга барҳам берилмоқда. **Академик Д. Н. Прянишников бундай деган эди: «Алмашлаб экишда шаблонга йўл қўйиш мумкин эмас, ҳар бир районда ўзига яраша шарт-шароитига қараб алмашлаб экишни бажариш лозим».**

Шунинг учун ҳам ҳосилдорликни оширишда деҳқончилик маданиятини кўтариш масаласи мутахассислар, колхоз ва совхоз раҳбарларининг диққат марказида туриши керак.

Бу мақолада Ўрта Осиё тупроқшунослик илмий-текшириш институти олимларининг деҳқончилик маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқотлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

ТУПРОҚШУНОСЛИК илмий-текшириш институтининг фаолияти янги ерларни ўзлаштириш ва қадимдан суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш билан бевосита боғланган.

Генезис ва география лабораториясининг текширишлари натижасида Ўзбекистон тупроғининг классификацияси ишлаб чиқилди. Бу эса колхоз ва совхозларнинг тупроқ картасини тузиш имконини берди.

Институт олимлари «Қишлоқ хўжалик мақсадида Ўзбекистонни тупроқ-иқлими бўйича районлаш» деган илмий китобни тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Асарда ердан тўғри фойдаланиш, экинларни суғориш режими билан боғлиқ бўлган агротехниканинг бошқа тадбирлари илмий асосда ўз ифодасини топди. «Ўзбекистон тупроғи» деган монография ҳам худди шу мақсад учун хизмат қилади.

Агрохимик картограммалар шуни кўрсатдики, текширилган 35.4 минг гектар ернинг фақатгина 7 процент қисми таркибида кўп миқдорли фосфорни, қолган қисми эса кам ва ўрта миқдорли фосфорни ташкил этади.

Тупроқ структураси, ерни ишлаш, ўғитлаш, суғориш ва деҳқончиликда қўлланиладиган барча тадбирлар тупроққа ҳамда унинг унумдорлигига таъсир этади. Агротехника тадбирлари тўғри қўлланилиб, экинлар яхши парвариш қилинганда тупроқ унумдорлиги ошади.

Тупроқ ҳамма вақт ғовак ҳолда бўлса, унинг унумдорлиги ҳам яхши бўлади. Юмшатилган тупроқ орқали сув ва ҳаво қуйи қатламларга ўнгайлик билан ўтади. Акс ҳолда устки қатлами зичланган тупроқларга сув яхши сингмайди. Натижада тупроқнинг унумдорлиги пасаяди.

Унумдор тупроқларда ўсимлик учун керакли азот, фосфор, калий ва бошқа озуқа моддалар ҳамда сув етарли миқдорда бўлади.

Тупроқ структураси экинлардан мўл ҳосил олишнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки, структурали тупроқда сув, ҳаво ва озуқа моддалар кўп. Айни вақтда структурали тупроқларда ҳаво яхши алмашади. Емғир сувларининг 85 проценти, шунингдек, суғориш суви тупроқ қатламларига яхши шимилади ва қатқалоқ пайдо бўлмайди.

Структурали тупроқларда сув ва ҳавонинг етарли даражада бўлиши ундаги микроорганизмларга қулай шароит туғдиради. Бунинг орқасида тупроқда ўсимлик қолдиқларининг чириши ва гумусга айланиши тезлашади. Гумус эса, ўз навбатида парчаланиб сувда эрийдиган моддаларга айланади. Натижада тупроқда озиқ моддалар запаси кўпаяди. Структурасиз тупроқларда ўсимликнинг ривожланиши учун қулай шароит бўлмайди.

Шундай қилиб, ўсимликларнинг сув, ҳаво ва озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини фақат структурали тупроқларгина таъмин этади. Шунинг учун ҳам тупроқларни ўз вақтида ишлашга зўр аҳамият бериш керак. Бордию, ер қуриб қолгандан кейин хайдалса, тупроқ структураси бузилади ва гардга айланиб кетади. Агар ерни намлигида ҳайдасак, тупроқ ёпиштириб юборилади.

Демак, тупроқни иложи борича ўртача намликда ҳайдашга ҳаракат қилиш керак. Шундай қилинганда структураси сифат жиҳатидан яхши бўлган тупроққа эга бўламиз.

Суғоришда тупроқ органик моддалар ва озуқанинг асосий элементлари билан бойийди. Чириш процессида органик моддаларнинг синтези активлашади. Натижада, бу тупроқларнинг унумдорлик қобилияти ошади.

Вегетацион тажрибалар шуни кўрсатдики, минерал ўғитлар, айниқса фосфорли ўғитлар ернинг ҳайдаладиган қисми тагига солинганда самарали натижалар берди. Шу сабабли ерни азот билан ўғитлаш, мумкин қадар суғориш режимини кўриб чиқиш тавсия қилинади.

Ҳозир тупроқлардаги асосий микроэлементлари (марганец, бўр, мис, рух, кобальт, молибден) аниқлаш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу эса микроэлементларнинг тупроқда тарқалиш қонунини ва қишлоқ хўжалик экинларида қўлланиш зонасини аниқлаб беради. Тошкент области колхозларида марганец ва рухли ўғитларнинг таъсири ўрганилиб чиқилди.

Тажриба шуни исботладики, марганецли ўғит билан чанглашган чигит яхши ривожланади, ҳосилдорлик 1,5-3 центнерга ошади.

Ерни чуқур ҳайдаш орқали тупроқнинг биологик активлигини яхшилаш, куза шудгор пайтида ўғитлаш устида ҳам микробиологик текширишлар ўтказилди. Бу янги агротехника тадбири тупроқдаги ўсимликлар озуқа базасини мустаҳкамлайди ва ернинг ҳайдалма қаватининг унумдорлик қобилиятини оширади.

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ХОСИЯТИ

АЗОТЛИ, фосфорли ва калийли ўғитлар билан бир қаторда микроэлементлар ҳам экинларнинг ҳосилини оширишда ва унинг сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Улар ферментлар, витаминлар, гормонлар ҳамда энзимлар таркибига киради, ўсимлик ва ҳайвон организмларида содир бўладиган биохимиявий процессларда қатнашади.

Қишлоқ хўжалигида бўр, мис, марганец, рух, молибден, кобальт, темир, йод ва бошқалар микроэлементлар сифатида қўлланилади. Микроэлементлар пахта толасини узайтиради ва уларнинг пишиқлик даражасини мустаҳкамлайди. Чигит таркибидаги қандни кўпайтиради, сабзавотлар таркибидаги витаминлар, маккажўхори ва дон-дуккакли ўсимликларнинг оқсил моддасини оширади. Беда ва йўнғичқа ўсимликларининг илдизида молибден, азот элементини тўплашга ёрдам беради.

Бу хусусият суғориладиган ерларда ва айниқса беда, пахта алмашлаб экиш агротехникасида жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Микроэлементлар маҳсулот сифатини ва уруғларнинг биохимиявий хоссаларини анчагина яхшилайди, ўсимликларнинг азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни яхшироқ ўзлаштиришига ёрдам беради.

Тупроқда микроэлементларнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳолатдаги запаси Тошкент областида тупроқ турлари бўйича химиявий анализ қилиб чиқилди ва уларнинг миқдори жуда ҳам кам эканлиги аниқланди.

Микроэлементларнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган запаси кам бўлса, экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Тупроқда микроэлементлар бутунлай бўлмаса ўсимликларда эса моддалар алмашинуви бузилади, улар касалланади ва қуриб қолади.

Аксинча, тупроқ ўзида микроэлементларни кўп тутса ҳам ўсимликлар касалланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида улардан тупроқнинг хоссаларини, ерда микроэлементларнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган шакллари бор-йўқлигини, экинларнинг физиологик хусусиятларини ва тупроқда содир бўладиган микробиологик процессларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур.

Ўрта Осиё тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг тупроқ микроэлементлари лабораториясида чигитни экишдан олдин марганец тузлари билан чанглаш (чигитга марганец тузлари сепиш) тажриба қилиб кўрилди. Натижада тажриба участкасида етиштирилган чигитнинг таркибидаги мой ўрта ҳисобда 0,4-1,7 процент ошди, пахтадан кўпроқ тола олинди. Уларнинг пишиқлиги ортди.

Экишдан олдин чигитни марганец тузлари билан чанглаш иқтисодий жиҳатдан ҳам катта фойда келтиради. Бир гектар ерга экиладиган чигитни чанглаш учун 150-250 граммм марганец тузи сарфланган ҳолда, бу майдондан 3 центнер қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин.

Ғўзаларга мисли, молибденли, рухли, бўрли ва бошқа микроўғитларни тупроқ орқали бериш ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Микроэлементлар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради, ҳар хил касалликларга чидамлилигини оширади, ҳосилининг кўпайишига ёрдам беради. Айрим микроэлементлар таъсирида чигитнинг униб чиқиши тезлашади. Бу эса кейинчалик ўсимликларнинг авж олиб ўсишига ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Тупроқда микроэлементлар бўлганда ўсимликлар бошқа озиқ элементларидан яхши фойдаланади.

Бироқ, тупроқ ва чигитдаги микроэлементлар ҳаммавақт ҳам ўсимликлар учун етарли бўлавермайди. Шунинг учун ҳам ерга минерал ўғитлар билан бирга микроэлементларни ҳам солиш ёки уруғларни микроэлементларга бойитиш тавсия қиличади.

Чигитни марганец тузлари билан бойитишнинг янги усули, яъни чигитни экишдан олдин марганец тузлари билан чанглаш усули ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Қуруқ ёки намланган чигит марганец тузлари билан чанглангандa уруғликни қуритиш ёки бошқа усулда ишлаш учун кўп вақт сарфланмайди.

Чигитни марганец тузлари билан экишдан анча илгари ёки экиш олдидан қўрқмай чанглаш мумкин. Чунки, бунда марганец тузлари ва чигит бузилмайди. Уруғликни чанглаш учун ишлатиладиган микроэлементларнинг тузларини марганец сульфати ёки калий перманганати сингари икки валентли тузлардан тайёрлаш мумкин. Бу ҳол ортиқча меҳнат талаб қилмайди.

Бир центнер тукли чигитни чанглаш учун фақат 100-150 грамм калий перманганати ёки 200-250 грамм марганец сульфати ҳолидаги марганец тузлари, шунча туксиз чигитни чанглаш учун эса бу келтирилган миқдорнинг ярмича марганец тузлари керак бўлади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда тажриба ўтказилди. Микроэлементлардан фойдаланиш натижасида пахта ҳосилига гектар бошига 1,1 центнердан 4,4 центнергача ҳосил қўшилади. Марганец, мис, рух ва молибден тузларидан микроўғит сифатида фойдаланилганда энг юқори ҳосил олинди.

Янгийўл районидаги «Ленинизм», Свердлов номли колхозлар пахта майдонларига марганец, мис, кобальт ва бўр микроэлементларининг тузлари билан чангланган чигит экилди. Бу колхозларнинг ерлари соз ва ўтлоқи тупроқлар турларига киради. Марганец тузлари билан чангланган майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнер, мис элементи тузлари билан чангланган майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнер ва бўр элементи тузлари билан чангланган майдоннинг ҳар гектаридан эса 30 центнердан ҳосил олинди. Шундай қилиб, марганец ва мис элементлари тузлари билан чангланган чигит экилган майдонларда энг юқори ҳосил етиштирилди.

Ўрта Осиё тупроқшунослик илмий-текшириш институти Ўзбекистоннинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида чигитни калий перманганати ёки марганец сульфат тузлари билан чанглаш усулини кенгроқ майдонларда синовдан ўтказишни тавсия қилади.

Деҳқончилик маданиятини юқори кўтаришда қишлоқ хўжалик мутахассислари ва олимлар муҳим ташкилотчилик ролини ўйнайди. Бу эса ўз навбатида илгор совет фани эришган ютуқлардан кенг фойдаланиш имконини беради, ҳосилдорликни оширишга замин тайёрлайди.

А. ЕҚУБОВ,
Ўрта Осиё тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг тупроқ микроэлементлари лабораториясининг мудири.
А. СУЛТОНОВ,
А. РАЖАБОВ,
Р. СОАТОВ,
институт илмий ходимлари.

Илмий-текшириш институтининг шўрланган ерларни ўрганиш лабораторияси ходимлари ҳам колхоз ва совхозлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Лаборатория шўрланган ерларнинг унумдорлигини ошириш борасида анчагина ишлар қилди. Илмий кузатишларнинг дастлабки натижалари хўжаликларда синаб кўрилди. Улар ўзининг эффектив натижаларини берди. Бу ишда старший лаборантка Васила Холматованинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Суратда: ўртоқ В. Холматова лабораторияда.

А. Абалян фотолари.

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАН

Коммунистларнинг бу галги очиқ партия йиғилишида механизаторлар бошлиқ звенолар сафини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Мансур ака Хайруллиннинг бу ҳақдаги гапини ҳамма диққат билан эшитди.

— Ўтган йилни муваффақиятли якунладик,— деди у, — бу ҳаммангизга маълум. Агар механизациялашган звенолар ташаббусни ўз қўлларига олмаганларида, коммунист ва комсомолларимиз ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмаганларида биз, албатта, бундай ютуққа эришаолмасдик. Колхозимизда коммунистлар катта куч. Агар бизда 109 коммунист бўлса, айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги бевосита пахтачилик соҳасида ишлашади. Ун киши бригадир, олти киши звено бошлиғи. Ҳамма ерда улар янгилик жарчиси, комплекс механизацияни жорий қилувчи кишилар сифатида бизга актив ёрдам беришяпти.

Лекин очиғини айтиш керакки, ҳали ишимизда камчиликлар йўқ эмас. Баъзи бригадаларимиз пахта планини бажарган бўлсалар ҳам, лекин уларда таннарх қиймат. Ана шу камчиликларнинг олдини олиш, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли бундан кейин ҳам комплекс механизациялаш йўлидир. Колхозимизда бу йил механизаторлар бошлиқ звенолар сони 25 га етказилади. Активлар билан бригаликда қимлар звенога бошлиқ бўлишини белгилаб чиқдик. Мана бугун эса сиз коммунистларнинг муҳокамангизга қўяяпмиз.

Шундан кейин раислик қилувчи механизатор — звено бошлиқларининг исми ва фамилиясини бирма-бир ўқий бошлади. Гал Шокир Курсеитовга келганда ҳамма қарсак чалиб юборди.

— Азамат йигит!

— Жуда яхши танлабсизлар.

— Ишончимизни оқлайди.

Ҳар томондан ана шундай гаплар эшитилди.

Кўпчиликнинг олқишига, элнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлган бу йигит Янгийўлдаги Калинин номли колхозда меҳнат қилади. Еш коммунист Шокир Курсеитовни колхозда танимайдиган одам камдан-кам топилади. У ўтган йили колхознинг ўртоқ Умарали Муҳамедов бошлиқ бригадасида тракторчилик қилди.

— Техникага меҳр ва муҳаббат қўйишни, уни ишлата билишни Шокирдан ўрганиш керак, — дейди Умарали ака. — Шокирнинг тракторини арзимаган сабаб билан бирон соат бўлса ҳам бекор туриб қолганини эслолмайман. Бригадамиз бўйича 40 центнердан ҳосил етиштирилди. Бунда азамат тракторчимизнинг ҳиссаси улкан бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Шокир техниканинг мафтунидир. Одобли, интизомли йигит. Ўтган йили у ғўзани парвариш қилиш билан бирга мавсумда 120 тонна пахта ҳам терди.

Коммунист Курсеитовнинг яна бир яхши фазилати шундаки, у доимо олга интилади, резерв излайди, янгиликка ўч, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ меҳнат қилишга ҳаракат қилади. У ўз ютуғини коллективнинг ёнверидаги қўни-қўшнисининг ютуғи деб билади. Агар дўсти бирор камчиликка йўл қўйса, ғўё бунда ўзини ҳам айбдордек ҳис қилади.

Колхознинг Андреев участкасидаги 4- бригада ўтган йили планни бажармади. Бригадир ва бригаданинг аъзолари ҳақида мажлисда аччиқ таъна гаплар айтилди. Ана шунда залнинг бир чеккасида ўтирган Шокир ўзини анча ноқулай сезди. Гап техникадан ёмон фойдаланилганлиги устида борганиданми, қолоқ бригадага айтилган гапларнинг бир чеккаси Шокирга ҳам тегишлидек туюларди. Ахир колхоз бўйича ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинибди, бу бригадада эса ҳосилдорлик аранг 25 центнерга етибди. Бир центнер пахтанинг таннархи 25 сўмдан ортиққа тушибди. Ғўза парвариши ва пахта йиғим-теримида техникадан яхши фойдаланилганда эди, албатта, бундай бўлмасди.

Ўша куни Шокир анча ўйчан бўлиб қайтди. Дарвоқе, раис тўғри гапларни айтди, хаёлидан ўтказди у. Агар бизлар ўз вақтида бир-биримизнинг ишимиздан кўз қулоқ бўлиб турганимизда эди, балки бу бригада ҳам кузни ғўр ютуз билан якунлар эди. Коммунист ҳар бир нарса учун жавобгар деб партияга қабул қилишаётганларида айтилган гапларни эслади. Шундай экан нега биз кўпинча ўз қобиғимизга ўралиб юраберамиз. Ўша бригада ерларидан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин эмасми? Шокир механизациялашган звенога бошлиқ бўлиб ишлашни кўнгилга тугиб қўйган эди-ку, лекин ҳали бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаганди. Энди у қатъий қарорга келди. Камҳосилли деб айтилган ўша ердан дўстлари билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, техникага суяниб юқори ҳосил етиштиришга отланди.

Шокирни колхоз устахонасида учратдик. У звенога ажратилган битта чопиқ трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўзи ремонтдан чиқараётган экан.

— Эрта-индин техника шай бўлади,—деди у.—Бизга 40 гектар ер ажратиб беришди. Ана шу ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдик. Ҳозир бутун куч ва ғайратимиз маҳаллий ўғит тайёрлашга қаратилган. Иккита юк автомашинаси билан ҳар куни далага 10-12 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқаряпмиз. Раҳим Абдуқодиров, Бўстон Эшонов каби звеномизнинг аъзолари айниқса ғайрат кўрсатишяпти.

Колхозда коммунистлар бошлиқ бригада ва звенолар ана шундай ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Ҳамадали Қодиралиев, Т. Қўчқоров, Икром Ахроров бошлиқ звенолар қутлуғ йўлдан қутлуғ қадам билан олга боришяпти. Дала командирларининг қайси бири билан суҳбатлашманг, улар фақат битта мақсадни айтишади: колхозимизда пахтачиликни комплекс механизациялаштирамиз, мамлакатга энг арзон пахта етказиб бериш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. Коммунистнинг виждони ва бурчи шунга ундайди.

Н. РИХСИЕВ.

Тупроқ микроэлементлари лабораториясида олиб борилаётган тадқиқотлар жуда кўп. Ҳосилдорликни ошириш, тупроқ структурасини яхшилаш масалалари лаборатория олимларининг диққат марказида турган муҳим вазифалардан биридир.

Сиз бу суратда шу лаборатория илмий ходимларидан бир группасини кўриб турибсиз. Улар лаборатория мудири ўртоқ А. Еқубов (ўнгдан иккинчи) бошчилигида тупроқ структурасини химиявий анализ қилишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШДИ

ЯНГИБОЗОР, (ЎзТАГ). Сурхондарёнинг ўзаро текшириш бригадаси Юқори Чирчиқ районидаги колхозларда бўлди. Бригада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг қарори Тошкент областида қандай бажарилаётганлигини кўздан кечирмоқда.

Меҳмонлар қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларига кўп эътибор бердилар. «Политотдел» колхозида шу соҳада қилинаётган ишлар уларни ғоят қизиқтирди.

Колхоздаги уйларнинг ҳаммаси шаҳар типида қурилган. Бу уйлар электрлаштирилган, радиолаштирилган, уларнинг кўпида газ ҳам бор. Колхозчиларнинг ҳамма болалари ясли ва боғчаларга жалб этилган. Хўжалик территориясида саккиз мактаб, шу жумладан битта куни узайтирилган мактаб бор. Ҳозирги вақтда янги участкада яна 820 ўринли иккита мактаб биноси қурилмоқда.

Посёлканинг марказида маиший хизмат комбинати ишлаб турибди. Бу комбинатда кийим тикиш ва пойафзал устахоналари бор. Машиналаштирилган нонвойхона қурилди. Дала ишлари қизиб кетган бир пайтда колхозчилар заказ бюросининг хизматидан фойдалана оладилар. Заказ бюроси озиқ-овқат маҳсулотларини колхозчиларнинг уйларига юбориб туради. Колхозда касалхона, телефон станцияси очилди.

«Политотдел» колхозининг аъзолари маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Колхозда тўртта доимий киноустановка, шу жумладан битта кенг экранли установка бор. Маданият саройида музика мактаби ташкил этилди, турли бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. «Березка» хореография ансамбли, Пятницкий номидаги қўшиқ ва рақс ансамбли, «Баҳор» ансамбли артистлари ва мамлакатнинг бошқа таниқли коллективлари колхоз саҳнасида томошалар қўйиб бердилар. Ёшлар бўш вақтларида колхоз стадионига келадилар. Колхознинг «А» классида қатнашиш шарафига муяссар бўлган футбол командаси колхозчиларнинг ифтихори бўлиб қолди.

Свердлов номли колхоздаги медицина шаҳарчаси ўзаро текшириш бригадасининг аъзоларига жуда манзур бўлди. Икки қаватли касалхонада 75 койка бор. Бинонинг пастки қаватида амбулатория бўлиб, унда тажрибали врачлар беморларни қабул қиладилар. Марказий корпус билан бир қаторда сув-балчиқ шифохонаси қурилган.

Сурхондарёликлар «Правда» колхози аъзоларининг болалар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига юксак баҳо бердилар. Бу ерда икки қаватли болалар боғчаси бинои бўлиб, тегишли жиҳозлар билан таъминланган. Болалар боғчасининг бўлмалари эртак ва ҳикоялардан олинган суратлар билан безатилган. Ҳозирги вақтда сут ошхонаси қурилмоқда.

Меҳмонлар райондаги баъзи колхозларда колхозчиларнинг турмуши тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилинмаётганлигини ҳам қайд қилдилар. Улар қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизматни яхшилашга етарли даражада эътибор бермаётган «Гулистон» ва «Коммуна» колхозлари раҳбарларининг ишидаги камчиликларни кўрсатдилар.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида турли фанларга оид кабинетлар ишлаб турибди. Айниқса, ўзбек тили адабиёти кабинети иши намунали йўлга қўйилган.

Яқинда институтга пойтахт мактабларининг тил-адабиёт ўқитувчиларидан 30 киши тўпланди. Улар педагогик ўқишга таклиф этилган эди. Педагоглар мактабларда тил ва адабиёт ўқитиш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Э. ТУРКМЕНОВ.

●

Тошкент чет тиллар педагогика институти кутубхонаси китобхонлар билан гавжум бўлади. Кутубхона ходимлари уларнинг хизматига доим тайёр.

Еш кутубхоначи В. Муҳиддинова ҳам тиниб-тинчимайди. У кенса кутубхоначи Р. Абрамовская ва А. Ковалевалар билан ҳамкорликда 80 минг нусҳадаги адабиётларнинг библиографиясини тузиб чиқди.

Шунингдек, у Чилонзорда янги ташкил этилган кутубхонани жиҳозлашда актив қатнашди. Бу ишчан кутубхоначи ўз билимини ошириш мақсадида ҳозир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимида ўқимоқда.

М. ЛАТИПОВ.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

БИР АСРДАН ЗИЁД

Калинин районидаги Навоий номли колхозда истиқомат қилувчи Адолат хола Раҳимжонова бу йил 112 ёшга тўлди.

Бу мўътабар онанинг 40 дан ортиқ набира ва эваралари бор. Адолат хола ҳали тетик. Бу табаррук онахонни колхозчилар иззат-ҳурмат қилишади. Колхоз унга пенсия тўлаб турибди.

Т. ЖУРАЕВ.

КОЛХОЗДА ҲАММОМ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг «Интернационал» участкасида колхозчилар учун катта ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Ҳаммомда ҳамма қулайликлар муҳайё. Колхоз правленнесининг бу ишидан қишлоқ меҳнаткашлари хурсанд.

Э. ИСҲОҚОВ.

ЧАРОҒОН ҚИШЛОҚ

Бекобод районидаги «Победа» колхози йил сайин обод бўлмоқда. Қишлоқдаги жамики хонадонда Ильич нури порлаб турибди. Ҳамма оилада радио овози янграяпти.

Колхоз правленнеси колхозчиларнинг маиший ва маданий шароитларини янада яхшилашга катта эътибор бермоқда. Яқинда қишлоқда бир йўла 50 кишн овқатланадиган ошхона, шинамгина сартарошхона ҳамда ҳозирги талабга тўла жавоб берадиган мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу янгиликлар қишлоқ ҳуснига яна ҳусн қўшди.

К. ХУЖАНОВ.

ФОТОСТЕНД

Тошкент педагогика институти ҳам республикамиздаги муаззам идм чашмасидан бири. Бу институтни минглаб кишилар битириб, ҳаётга йўлланма олганлар. Яқинда бу ерда «Бизнинг институтни тамомлаганлар» деган фотостенд ташкил этилди. Унда институтни битириб, ҳозирда эса мамлакатимизнинг фан, санъат ва адабиёт соҳасида кўзга кўринган 60 дан ортиқ собиқ студентларнинг фотосуратлари қўйилган. Жумладан фотостендга қўйилган ёзувчи ва шоирларимиздан Зулфия, Шуҳрат, Шукрулло, Мирмуҳсин, олимларимиздан филология фанлари доктори Ш. Шоабдурахмонов, тарих фанлари доктори М. Абдураимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар — Т. Абдуллаева, Қ. Аҳмедов, С. Исматов ва бошқа ўргоқлар ана шу институт даргоҳидан баҳраманд бўлганлар.

У. САИДОВ.
К. ХИДИРОВ.

Пединститут студентлари.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

Шу кунларда ҳамма ерда маданият университетлари навбатдаги машғулотларни ўтказмоқдалар. Утган ҳафта Октябрь районидаги 141-мактаб биносида «Маданият ва санъат» университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотда Ленин мукофоти лауреати Р. Исломбеков «Бўқоқ ва уни даволаш», Оннология ва радиология институти профессори Жўра Абдурасулев рак касалининг олдини олиш тўғрисида гапириб берди.

Филология фанлари доктори Ўрток Х. Сулаймонов классик адабиётимиз намояндалари, СССР халқ артисти Наби Раҳимов драма санъати ҳақида сўзлаб берди. Машғулот охирида тингловчиларга концерт кўрсатилди.

З. ШОХОБИДДИНОВ.

ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Уста Акромхўжа Ортиқов 35 йилдан бери муттасил қурилишда ишлаб келади. Қишлоғимиз ҳуснига-ҳусн қўшиб турган колхоз идораси, клуб, кутубхона, мактаб, болалар боғчаси ва яслиси, аптека, кинотеатр, дам олиш уйи, ҳаммом, қўйинчи жамики биноларнинг пойдеворига гиштни уста Акромхўжа ака қўйиб берган ва бу қурилишларга бошчилик қилган.

Уста Акромхўжа ака П. Муҳамедов, Ж. Иноятов, Х. Мўминов, Т. Қосимов каби ўнлаб ёшларга ўз ҳунарини қунт билан ўргатди. Ҳозир унинг шогирдлари қурилишларга мустақил қўл урмоқда.

Уста Акромхўжа Ортиқов ўзининг кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнати билан колхозда катта ҳурмат-эътиборга эга.

Ж. ТОҲИРОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИ

Пойтахтнинг Октябрь районидаги Маннон Уйғур кўчасида 21-озиқ-овқат магазини ишга туширилди. Магазин биноси Маннон Уйғур маҳалласи аҳолисининг ёрдами билан қурилди. Бу магазиндан гўшт, сут, консерва, кондитер ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш мумкин.

Маҳалла меҳнаткашлари бу қулайликдан ва сотувчилар хизматидан мамнун.

Э. ИСҲОҚОВ.
Т. ТОЖИБОЕВ.

БЎЛАЖАК МЕХАНИЗАТОРЛАР

Ёшлар ўртасида механизацияни мукаммал эгаллашга ва шу касбда сидқидиллик билан ишлашга аҳд қилганлар кун сайин кўпаймоқда.

Янгийўлдаги «Узсельхозтехника» район бирлашмаси механизаторлар тайёрлаш тўрт ойлик курсини ташкил этди. Ҳозир курсда бу касбнинг ихлосмандларидан 50 га яқин киши ўқиб турибди. Курсни тугатгач, бу ёш механизаторлар ўз қишлоқларига бориб ишлайдилар.

У. ШАРОПОВ.

ИККИ МАРТА КЎП

Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида обуначилар сони бу йил 950 кишига етди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда қарийб икки марта кўпдир.

Ж. ТУРҒУНОВ.

СОВХОЗ КУРСАНТЛАРИ

Оққўрғон районидаги 2-«Оққўрғон» совхозида механизаторлар тайёрлаш курси очилди. Совхоз курсантларга барча шароитни яратиб берган. Курсда энг тажрибали ўқитувчилар машғулот олиб бормоқда.

Т. ХУДОИНАЗАРОВ.

Мамлакатлар ■ ДАМЛАР Воқеалар

ПРЕЗИДЕНТ ЖОНСОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ДОКЛАДИ

ВАШИНГТОН, 28 январь. ТАСС мухбири, В. Вашедченко хабар беради:

Бугун президент Жонсон конгрессга иқтисодий доклад юборди. Докладда 1964 йил якунлари баён қилинган, ҳукуматнинг иқтисодий ва молиявий сиёсати таҳлил қилинган ва 1965 йилда иқтисодий истиқболлар қандай бўлиши чамалаб берилган.

Жонсоннинг айтишига қараганда, ҳозирги вақтда Америка экономикасининг «аҳволи аъло даражада» турибди. Шу билан бирга президент амалга оширилмай қолган вазифалар ва мақсадларнинг узун рўйхатини ҳам санаб ўтади. Президент «кенг равишда равнақ» бўлганлигини айтиш билан бир вақтда бу равнақдан кўпчилик баҳраманд бўлмаганлигини уқтириб ўтади. Президентнинг гапига қараганда Америка экономикасининг ўсиши барқарор тарзда борган бўлса ҳам, лекин бу ўсиш доимий бўлиб қолишига ҳеч қандай ишонч йўқ. 1965 йилнинг истиқболи яхши бўлади, деб айтилади-ю, аммо янги «иқтисодий кризисдан дарак берувчи белгиларни пайқаб олмасимиздан олдиноқ, бу кризис бошланиб кетиши мумкин» деб огоҳлантириб айтилган сўзлар ва «савдо-сотиқ борасидаги активликнинг келгусида пасайиб кетиши»га олдиндан тайёрланиб туриш керак, деган даъватлар яхши умидларни хиралаштиради.

Докладда айтилишича, корпорациялар олган соф фойда кўпайиб, 1961 йилдаги 23,5 миллиард доллардан 1964 йилда 32 миллиард долларга етган. Шу даврнинг ўзида улгуржи нархлар даражаси ҳақиқатда ўзгармай қолган бўлса ҳам аммо истеъмол молларининг чакана нархлари йилига ўрта ҳисобда 1,2 процент кўтарилиб борган.

Президент кейинги тўрт йил ичида тўлов балансини яхшиланиб борганлигини ва АҚШдан олтинининг четга чиқиб кетиши қисқарганлигини: Америка савдо экспорти 25 процентдан эиёдроқ кўпайганлигини қайд қилиб ўтади.

Президент докладда битмай қолган ишлар ва бажарилмай қолган ваъдалар устида гапирилади. Ҳамма тўла равишда иш билан таъминланган йўқ. Америкаликлардан 3,7 миллионга яқин киши иш қидириб юрибди ва иш тополмаётир. Яна бунинг устига «махфий ишсизлик» қарийб бир миллион кишини ташкил этади. Келгуси йилда яна 1,3 миллион ишчи меҳнат бозорида пайдо бўлади.

Жонсоннинг уқтириб айтишича, иш талаб бўлган мана шу олти миллион ишчини иш билан таъминлаш 1965 йилдаги энг муҳим иқтисодий ва социал проблемаларнинг биридир. Корхоналар иш билан тўла оанд бўлмаганлиги ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш натижасида миллионлаб американлик ишчилар ҳар йил фабрикалар ва заводлардан чиқарилиб юборилаетганлиги жуда қийин проблема бўлиб қолганлигини тушунаётган президенти «иш билан банд бўлишни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ва харид қобилиятини кўпайтириш йўли осон йўл бўлмайди ва бу йўлдан тез ўтиб кетиб бўлмайди», деб огоҳлантиради.

Президент докладида яна бундай дейилади: Америкада жуда кўп кишилар «камситилиш, касалликлар, меҳнатга яроқсизлик, кексайиб қолиш, оилавий сабаблар, ишсизлик ёки меҳнат унумдорлигининг пастлиги иш топмоқ учун ўзининг яшаб турган жойини ўзгартиролмаслик ёки илм ва малака бўлмаганлиги сабабли қулай шартлар билан ишга ёлланиш лаёқатининг етарли эмаслиги натижасида иқтисодий равнақ самараларидан ҳали ҳам баҳраманд бўлолмаётирлар».

„ХАТАРЛИ“ КОМПОЗИТОР

Рейтер агентлиги мухбирининг Римдан берган хабарида айтилишича, Италиянинг таниқли композитори Луиджи Нонининг Қўшма Штатларга боришига рухсат берилмаган.

Ноно Италия Коммунистик партиясининг аъзоси бўлганлиги учун Америка маъмурлари шундай қарорга келмаганмикан, деб мухбирининг берган саволига жавобан, Америка элчихонасининг ванили бундай деган: «Сабаб фақат шу бўлса керак, деб ўйлайман. Бизнинг қонунларимиз бу хусусда жуда аниқ қонунлардир».

Венецияда яшаб турган бу итальян композитори Бостонга бормоқчи эди, чунки унинг операларидан бири АҚШда биринчи марта кўрсатилиши керак эди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА АҚШНИНГ 23 МИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИСИ БОР

ВАШИНГТОН, 28 январь. (ТАСС). Американинг Жанубий Вьетнам ишларига қуролли аралашуви бошланганидан буён ўтган уч йил мобайнида Американинг 57 минг ҳарбий хизматчиси Жанубий Вьетнамга юборилди. Пентагон бугун шу тўғрида хабар қилди. Бу ҳарбий хизматчилардан 360 киши ўлдирилди ва 1550 дан ортиқ киши ярадор қилинди. Пентагон маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда Жанубий Вьетнамда Американинг 23 минг ҳарбий хизматчиси бор.

КАНАДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ОТТАВА, 28 январь. (ТАСС). Канада Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш тўғрисидаги, шунингдек шу йил 1 мартда кенгашга тайёргарлик кўрувчи комитет мажлисини чақириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватламоқда. Компартия миллий комитетининг январь пленумида қабул қилинган «Халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги учун» деган резолюцияда шу тўғрида гапирилади. Резолюция яқиндагина олинди ва тарқатилди. Резолюцияда бундай дейилади: «Халқаро ҳаракат бирлиги, социализм кучларини мустаҳкамлаш ва империалистларнинг агрессив сиёсатига қарши кураш манфаатлари юзасидан шундай кенгашни ўтказиш зарур».

Миллий комитет шунга аминдирки, деб таъкидланади резолюцияда, барча партиялар халқаро коммунистик ҳаракатнинг асосий ҳужжатларига, ижодий марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмига амал қиладиган бўлсалар, бирликка эришиш йўли топилади.

СОВЕТ ЁЗУВЧИСИГА ХАЛҚАРО МУКОФОТ

БРЮССЕЛЬ, (ТАСС). Совет ёзувчиси К. Гладковнинг «Атом энергияси» деган китоби 1964 нилдаги энг яхши китоб деб топилди ва унга «Қизил ва яшил» халқаро мукофоти берилди.

Шу мукофотни таъсис этган ва уни совет ёзувчисига беришга қарор қилган ўрта ўқув юртлари ўқувчиларининг уюшмаси «Атом энергияси» деган бу китобни «Давримизнинг энг катта илмий проблемасига бағишланган ва тинчликни сақлаб қолиш зарур деган позицияда ёзилган», китоб деб ҳисоблади.

Шу мукофотга ўн мамлакатдан 20 та асар тақдим қилинган эди.

ЯНА ЎЗГАРИШ

ЛОНДОН, 28 январь (ТАСС). Бугун Жанубий Вьетнам генераллари, дейилади Рейтер агентлиги мухбирининг Сайгондан берган хабарида, Нгуен Сюам Оанни Жанубий Вьетнам бош министри вазифасини бажарувчи қилиб тайинладилар. Ундан олдин шу вазифада ишлаб турган Чан Ван Хионг кечаги тўнтариш натижасида бош министрлик лавозимидан ҳайдалди.

АМЕРИКА КОСМОДРОМЛАРИДА ЗАБАСТОВКА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Кеннеди бурунида ва Меррит оролида Ойга ракеталар учириш учун космодромлар қураётган икки мингдан кўпроқ ишчи меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатсиз системасига қарши норозилик билдириб, ишга чиқмай қўйишди. Кеннеди бурунининг участкаларидан биридэ ва Меррит оролида «Сатурн-V» ва «Сатурн-1 В» типидаги ракеталарни келгусида ойга учириш учун махсус иншоотлар қурилмоқда. Энди мана шу космик программани бажаришга доир ишлар тўхтаб қолди.

Жасур ва довюрак совет разведкачиси Рихард Зорге раҳбарлигида иш олиб борган Макс ва Анна Клаузенлар яқинда Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз ордени билан мукофотландилар.

Фашист босқинчиларига қарши курашда, совет давлатини муҳим маълумотлар билан хабардор қилиб туришда бу икки разведкачи бор кучи, билими ва тажрибасини ишга солди. Яқинда улар юксак мукофотларни олар эканлар Берлин мухбирига совет кишиларига қуйидаги сўзларни етказишни илтимос қилди.

— Қадрли дўстлар! Токиода Рихард Зорге раҳбарлигидаги группада олиб борган ишимизга юксак баҳо берилганлиги, орденлар билан мукофотланганлигимизни эшитиб беҳад қувондик. Биз бир умр эсдан чиқмайдиган Рихард Зорге билан фашист босқинчиларига, урушга қарши нураш олиб бориш шарафига муяссар бўлдик. Ғалабага биз ҳам ҳисса қўшганлигимиз билан фахрланамиз. Бу ғалаба немис ерида социализм қураётган ягона Германия Демократик Республикасини вужудга келтириш имконини берди.

Қадрли совет дўстларимиз Коммунизм қурилишида эришаётган ютуқларингиз билан фахрланамиз, сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Суратларда: Р. Зорге билан бирга иш олиб борган жасур разведкачилар Макс ва Анна Клаузенлар.

Ғалаба қозонгунча курашни давом эттирамиз

ҚОҲИРА, 28 январь. (ТАСС). Конго қўзғолончиларининг раҳбарларидан бири Кристоф Гбенье МЕН агентлиги мухбири билан қилган суҳбатда бундай деди: «Конго революцияси халқ революциясидир. Конго халқи ўз мамлакатини озод қилиш мақсадида қўлига қурол олди». Кеча Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир ва бош министр Али Сабрий Гбеньени ва у билан бирга Бирлашган Араб Республикаси пойтахтига келган Конгонинг машҳур сиёсий арбоби Томас Канзани қабул қилди.

Конго қўзғолончилари, деб таъкидлади Гбенье МЕН агентлиги мухбири билан суҳбатда, — Патрис Лумумбани ўлдиришда қатнашган Касавубу, Чомбе ва Адула билан ҳамкорлик қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Адула яқинда Брюсселда Чомбега қарши гаплар айтди. Лекин шунга қарамай, биз, деб сўзини давом эттирди Гбенье, у билан ҳамкорлик қила олмаймиз.

Адула бош министр лавозимида уч йил ишлаб турган вақтда Лумумбани ўлдириш тафсилотларини очиб беришдан бош тортди. Шу сабабли биз уни ана шу жиноятнинг иштирокчиси деб, шу жиноят учун жавобгар шахс деб ҳисоблаймиз. Биз, деб уқтириб ўтди Гбенье, жиноятчилар билан музокаралар олиб боришдан бош тортамиз ва Конгодаги империализмга тарафдор бўлган ҳозирги режим тугатилмагунча курашни давом эттиришга қатъий қарор берганмиз.

Гбенье айтдики, қўзғолончилар ҳозирги вақтда Стэнливилни ва бошқа бир неча шаҳарни мустасно қилганда, Конгонинг бутун шарқий вилоятини тўла контроль қилиб турибдилар. Кинду, Букаву районлари ва мамлакатнинг бошқа кенг районлари ҳам қўзғолончи кучлар назоратидадир.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР*ТОМОШАЛАР*РЕКЛАМАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Ўйлаб топ болалар учун**). 17.25—**Телевизион янгиликлар**. 17.40—**Фақат осмон баланд** (ҳужжатли фильм). 18.00—**Тўқиз давлат кучли спринтерларининг коньки бўйича халқаро мусобақаси** (Олмаота шаҳридан).

Ўзбек тилида: 19.00—**Она мадҳияси** («Ёшлик» студияси). 19.35—**Телевизион янгиликлар**, 19.50 — **Иккинчи истеъдод** (Қўқон халқ театри концерти).

Рус тилида: 20.30—**Петер** (кинокомедия), 22.00—**Р. Роуз. Посёлкадаги фожиа** (Тошкент телестудияси спектакли).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—30/I да **Қонли сароб**, 31/I да кундуз ва кечқурун **Саранжомат дилбаким**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/I да **Нодира**, 31/I да **Ишқинг билан**.

КИНО

САНЪАТ САРОЙИДА — 30/I кеч соат 6 да кенг форматли рангли бадиий фильм — **Туш**.

Ишонинг менга, одамлар — «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 5 ва кеч 7 да), «СПУТНИК» жуфт соатларда).

Дорбозлар (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз 1-20, 3-20 ва кеч 8-20 минутда).

Сояда қолган — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Ун учлар — НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11-40 минут, кундуз 5, кеч 6-40 минут ва 10 да).

Гуттаперча бола (эрталаб соат 10 да), **Нонушта билан ўтган тўй** (кундуз ва кечқурун)—«МОСКВА».

Симладаги севги—«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 9 яримда).

Шпессарт саройидаги шарпалар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Катта вальс — «СПУТНИК» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Светлий проезд, 9-уй, 20-квартирада турувчи **Тамара Андреевна Орлованинг** Ленин кўчаси, 36-уйда гурувчи Александр Михайлович Орловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ВАЛЕНТИНА ВА ВИКТОР ЭДЭРЛАР ГАСТРОЛИ

РСФСР халқ артисти **Борис Эдэр** раҳбарлигида

„Чавандоз ва арслонлар“

АТТРАКЦИОНИ.

РСФСР халқ артисти **Рабадан Абакаров** раҳбарлигида

ДОҒИСТОН «ЦОВКРА» ДОРБОЗЛАРИ.

САНЪАТ САРОЙИДА

4 февралдан

Антарктида қонуни

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади. Касса эрталаб соат 10 дан очилади. Керакли маълумотларни 4-21-74, 4-21-93 телефон орқали сўраш мумкин.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

РАИС

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ

Сценарий автори—**Юрий Нагибин.**

Постановкачи — **Алексей Салтиков.**

Р о л л а р д а:

Михаил Ульянов, Иван Лапиков, Н. Мордюкова, К. Головко, А. Богданова, Л. Блинова, В. Невинний ва бошқалар қатнашади.

«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

28 ФЕВРАЛДА САМАРҚАНД ШАҲРИДА

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

биринчи чиқарилиш билетларининг

ютуқлар тиражи

БУЛАДИ

Ҳар бир тиражда лотереянинг тўрт разрядига 585.000 сўмлик 407000 ютуқ, шу жумладан: 134.108 сўмлик 1284 та буюм ютуғи ва 450.892 сўмлик 405716 та пул ютуғи ўйналади.

Лотерея билети — 30 тийин.

Лотерея билетларини сотиб олиб, ютуқлар тиражида қатнашинг!

Кадинин район, Қўйлиқ посёлкаси, Навоий кўчаси, 45-а уйда турувчи **Тургунбой Исмоновнинг** шу райондаги Уйсозлик комбинати, Строительная кўчаси, 40-уй, 4-квартирада турувчи Тургуной Эргашевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Ҳамза кўчаси, 8-тупик, 16-а уйда турувчи **Лазиз Назаров**нинг шу уйда турувчи Маъсуда Назаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўчаси, Омонат проезд, 2-тупик, 43-уйда турувчи **Қумри Маҳкамов**анинг Сағбон кўчаси, 17-тупик, 3-уйда турувчи Акром Иқромовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти коллективи кўлёзмалар бўлимининг мудири Қ. Мунировга акаси

МУҚИМИДДИН МУНИРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Гастроном» Ўзбекистон конторасиси коллективи контора бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ М. Қ. Қодировга онаси

СОРАХОН АЛИМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор —29004, Редактор ўринбосари—25885, Масъул секретарь — 34808. Идеология, адабиёт ва санъат бўлимлари —31936. Партия турмуши бўлими —26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари —29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01586. Нашр. №-В 1687. Индекс 64695.